

ИМОМ ШАХРИСТОНИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

Умаралиев Абдулҳамид Муҳаммадали ўғли

Самарқанд Ҳадис илми мактаби талабаси

E-mail: umaraliyevabdulhamid7@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада машҳур ислом мутафаккири ва мутакаллими Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристониёнинг илмий мероси, асарлари ва эътиқодий қарашлари таҳлил этилган. Муаллифнинг фикҳий мазҳаби — Шофеъийлик ва эътиқодий мазҳаби — Ашъарийлик эканлигига оид далиллар манбалар асосида баён қилинган. Шаҳристониёнинг калом, фалсафа, тафсир ва тарих соҳаларида ёзган асарлари ва уларнинг илмий аҳамиятига эътибор қаратилган. Мақолада унинг баъзи асарлари тўғрисида турли олимларнинг фикрлари келтирилиб, мазкур асарларнинг муаллифлик масаласига ойдинлик киритилган.

Калит сўзлар: Шаҳристониё, Ашъарий, Шофеъий, калом, фалсафа, тафсир, Ислом олими, итиқод, мазҳаб, асарлар, Ниҳоятул иқдом, ал-Милал ва-н-нихал.

Имом Шаҳристониёнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Абулқосим Абдулкарим ибн Абу Бакр Аҳмад бўлиб, у Шаҳристониё нисбаси билан танилган. Шунингдек, имомнинг куняси Абулфатҳ, лақаби Тожддин бўлган. Муҳаммад ибн Абулқосим Абдулкарим ибн Абу Бакр Аҳмад Хуросоннинг Шаҳристон шаҳрида туғилиб ўсган. Шаҳристон сўзи форсча бўлиб, у “шаҳр” яъни шаҳар (мадина) ва “истон” яъни тараф маъноларини билдирувчи иккита сўздан ташкил топган.

Шаҳристон номли шаҳарлар учта бўлиб, улар қуйидагилар:

1. Хуросондаги Шаҳристон шаҳри. У Нишопур ва Хоразм диёрларининг орасида жойлашган бўлиб, Хуросоннинг охири ва Хоразм ноҳияларидан бирига туташ, чўлликда барпо этилган шаҳардир. Бу шаҳар машҳур бўлиб Имом Шаҳристониё ва бошқа кўплаб олимлар етишиб чиққан.

2. Форс диёрларидан бўлмиш Сабур ноҳиясига қарашли қишлоқ ҳам Шаҳристон деб номланган.

3. Исфаҳоннинг Жий номли шаҳрига нисбатан ҳам Шаҳристон номи ишлатилган.

Тадқиқотчи олимлар имом Шаҳристониё туғилиб ўсган ва вафот этган жой Шаҳристон эканлиги ҳақида бир хил фикр айтишган. Лекин қайси даврдалиги ҳақида турли хил фикрлар билдирган. Имомнинг туғилган санаси тўғрисида уч хил маълумот мавжуд. Улар қуйидагилар:

1. 1075 йил
2. 1077 йил
3. 1086 йил

Биринчи маълумотни қуйидаги олимлар айтганлар: Абулфидо, Ибнулвардий ва Заҳабий “Сияр” китобида Самъонийдан нақл қилган.

“Ибар” китобида “У Шаъбон ойида, саксон бир ёшида вафот этган”, деб келтирилган. Шунга кўра туғилган санаси 467/1075 йилга тўғри келади.

Иккинчи маълумотни эса Самъоний “Таҳбир” китобида, Ҳамавий “Мўъжамул-булдон” асарида Муҳаммад Хоразмийдан нақл қилиб келтирган, Иснавий ўз “Табакот”ида ва “Ҳадиййатул-орифийн” китоби соҳиби келтирган. Ғарб олимларидан Карадифу ва Бруклименлар ушбу маълумотни айтганлар.

Учинчи маълумотни айтган олимлар: Самъоний “Зайл” китобида. Ибн Халликон буни қувватлаб шундай деган: “Унинг туғилиши 467/1075 йил Шаҳристонда бўлган. Буни мен қоралама хатларимда топдим. Лекин уни қаердан нақл қилганимни билмайман”. Самъоний айтади: “Мен ундан (Ибн Халликондан) Шаҳристониининг туғилишлари ҳақида сўрадим. У “479/1086 йилда туғилган”, деди¹.

Бу маълумотни яна Софдий, Субкий, Ибн Ҳажар ва Ёфазийлар ҳам айтганлар.

Вафот этганлари ҳақидаги маълумотларнинг энг қувватлиси 548 ҳижрий йил Шаъбон ойи. (479-548/1086-1153)

Имом ҳаётининг кўп қисмини илм олиш ва илм тарқатишга сарф қилган. Ёшлик чоғидан бошлаб ўз шаҳри масжидларидаги илм ҳалқаларига қатнаган ва ушбу шаҳар олимларига шогирд бўлган, улардан турли илмларни ўрганган. Улғайгач эса қўшни шаҳарлардаги олимлардан илм олиш учун сафарга чиққан. Муаллиф фақат бир йўналиш билан чекланмасдан, бошқа илмлар билан ҳам шуғулланган ва турли соҳа олимларидан илм олган. Шаҳристониининг илк ўрганган илми тафсир илми бўлган. Бу ҳақда муаллиф шундай дейди: “Мен ёшлик чоғимда шайхларимдан тафсир илмини фақатгина эшитар эдим”². Кейин ўн беш ёшида Абулҳасан ал-Мадинийдан Нисобурда ҳадис тинглаган. Шунингдек, фикҳни ҳам ўрганиб, унда моҳирлик даражасига етган. Сўнг турли фанлар ва соҳаларда илм ўрганишни кенгайтирган ва баъзи фанларда яхши натижаларга эришган. Муаллифнинг илмий даражаси ўзидан кейинги олимлар ва имом ҳақида таржимаи ҳол ёзганларнинг таърифларидан ҳам яхши маълум. Жумладан, қуйидаги олимлар муаллиф ҳақида ўз фирқларини билдирганлар:

¹ Ибн Халликон, Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр. Вафаётул аъён. –Байрут: Дору содир, – Ж. 4. – Б. 274.

² Ас-Сўхайбоний Муҳаммад ибн Носир ибн Солиҳ. Манҳажуш-Шаҳристониини фи китобиҳи ал-Ал-милал ван-нихал. – Риез: Дорул ватан, йили кўрсатилмаган. – Б. 3.

Ибн Туғриберди шундай дейди: “У калом илмида ўз асрининг имоми ва турли илмларнинг олими бўлган. Кўп олимлар у кишига шогирд бўлганлар”.

Субкий: “У кишини илмлари туфайли “Афзал” деб лақаб қўйилган. Усул ва калом илмида моҳир бўлган”³.

Имом Заҳабий “Тазкиратул хуффош” китобида у кишига “Аллома” лақабини берган⁴.

Тарихчилар ва бошқа олимлар тарафидан Шаҳристонийга берилган лақаблар жуда кўп бўлиб улар қуйидагилар:

Заҳабий “Тазкира” китобида Шаҳристонийга нисбатан “Аллома” лақабини ишлатган.

Заҳабий, Субкий, Ибн Халликон, Ҳамавий, Абулфодо ва бошқалар унга “Мутакаллим” лақабини ишлатган.

Муҳаммад Хоразмий ва Ибн Туғрибердилар уни “Олим” сифати билан атаганлар.

Ҳамавий, Ибн Халликон, Сафдий ва Ибн Вардийлар “Фақиҳ” лақабини келтирган.

Заҳабий, Ёкут Ҳамавий ва Ибн Вардийлар уни “Афзал” дейишган.

Заҳабий, Ёкут Ҳамавий ва Ибн Вардийлар унга яна “Таснифотлар соҳиби” сифатини ҳам беришган.

Юқоридаги ва бошқа олимлар Шаҳристонийга нисбатан яна қуйидаги сифатларни келтириб ўтишган: кўп ёдлаган, гўзал сўзлик, кучли фаҳмли, калом ва ҳикмат аҳллари шайхи ва имом.

Имом Шаҳристоний бундан ташқари юмшоқ хулқли, яхши сифатли, кўнгилчан, хуш муомила, лафз, ибора ва хатлари чиройли бўлган. Бунга у кишининг ёзган китоблари ҳам гувоҳ бўлади. Мунозара ва муҳовараларида ҳеч қандай ножўя сўз ва ёмон муомила, бадхулқлик ва хунук лафзлар учрамайди.

Муаллиф ҳаётининг бир қисмини илм йўлида турли мамлакат ва шаҳарларга сафар қилиш билан ўтказган. Лекин тарих китоблари ва таржимаи ҳол китоблари бизга бу борада кўп маълумотлар қолдирмаган. Аммо булар ҳам жуда оз. Муаллифнинг илмий сафарларини иккига бўлиб ўрганишимиз мумкин: ўз диёрларига яқин жойларга қилган сафарлари ва узоқ жойларга қилган сафарлари.

Муаллиф ўзи яшаган жойга яқин бўлган шаҳарлар яъни, Хуросон ва Хоразм шаҳарларига сафар қилган. Самъоний у киши ҳақида шундай дейди:

³ Ас-Субкий Тожуддин ибн Тақийуддин. Табақотуш-шофеъия ал-кубро. – Байрут. Дорул маориф: – Ж. 4. –Б. 78.

⁴ Аз-Заҳабий Абу Абдуллоҳ Шамсиддин. Тазкиратул хуффош. Мажлис доиратул-маориф ал-усмония, 1388. – Ж. 4.– Б. 4.

“Хуросонда яшаган ва у ерда бир муддат турган”⁵. Муаллиф Хоразмда ҳам бир уй сотиб олиб, у ерда биров муддат яшаган. Бу ҳақда Муҳаммад Хоразмий шундай ҳикоя қилади: “У Хоразмга борди ва у ерда бир уй олиб, бир муддат яшади. Кейин Хуросонга қайтиб кетди”⁶. Бу шаҳарлар муаллиф яшаган жойга яқин бўлгани учун у ерларга кўп маротаба келиб турган. Гоҳида шимолдан Журжон шаҳригача борган бўлса, гоҳида жанубдан Нисобургача борган⁷. Муаллиф ўн беш ёшга тўлмасдан илмий сафарлар қилганига у киши ҳақида таржимаи ҳол ёзганлар иттифоқ қилишган. Сабаби у Нисобурда Абулҳасан Мадинийдан ҳадис эшитган. Бизга маълумки, Абулҳасан 494/1101 йилда вафот этган. Муаллиф эса бу вақтда ўн беш ёшдан ўтмаган эди. У ҳадис, фикҳ, усул, калом илми ва бошқа илмларни ўз шаҳридан ташқарида олган.

Ўз юртидан ташқаридаги сафарлари ҳақида сўз борганда Маккаи Мукаррама ва Боғдод шаҳарларидан бошқаси зикр қилинмаган. Имом 510/ 1116 йил Макка шаҳрига ҳаж зиёратини адо қилиш учун йўлга чиққан⁸. Бу пайтда ўттиз ёшга яқинлашган эди. Кейин Боғдодги Низомия мадрасасига борган. Боғдодда у кишининг дарс ҳалқалари бўлиб, унда дарс берар ва кишиларга насиҳат қилар эди. У ерда уч йил турганлар. Кейин Шаҳристонга қайтган ва у ерда умрининг охиригача (548/1153) яшаган.

Муаллиф Шаҳристонда яшаган вақтида Хуросон ва унга қўшни бўлган яқин шаҳарларга таълим, тадрис ва мунозаралар қилиш учун сафарлар қилиб турган. Масалан, у киши ва Муҳаммад Хоразмий ўртасида ҳам мунозаралар бўлиб ўтган. Бу ҳақда Муҳаммад Хоразмий шундай дейди: “Бизнинг ўртамизда суҳбатлар ва музокаралар бўлиб турар эди”⁹. Яна шаҳристоний ва Байҳақий ўртасида ҳам мунозаралар бўлиб турган. Бу ҳақда Байҳақий ҳикоя қилиб айтади: “Мен ва Шаҳристонийни Абулҳасан ибн Ҳамавий бир мажлисда тўплади. Бу мажлисга Имом Абу Мансур Ибодий, Муваффиқуддин Аҳмад Лайсий, Шаҳобиддин Воиз Шануконий ва бошқа фозил кишилар ҳам келдилар”¹⁰.

Булар Шаҳристонийнинг илмий сафарлари ҳақида бизгача етиб келган маълумотлардир.

Юқоридаги маълумотлар бизга муаллиф етган илмий мақомни қанчалик юқори эканлигини кўрсатиб беради. Қуйида муаллиф ҳақида айтилган илиқ

⁵ Ас-Самъоний Абу Саъид Абдулкарим ибн Муҳаммад. Ат-таҳбир фи мўъжамил-кабир //Мунира Ножий Солим таҳқиқи. – Боғдод: Матбаъатул-иршод, 1395. – Ж. 2. – Б. 162.

⁶ Ал-Ҳамавий Абу Абдуллоҳ Ёқут. Мўъжамул-булдон. – Байрут: Дору содир, – Ж. 3. – Б. 377.

⁷ Шаҳристоний, Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Аҳмад Абу-л-Фатҳ. Ал-Милал ва-н-нихал. – Байрут: Мактабат ал-асрийя, 2000. – Б. 142

⁸ Ҳамавий Абу Абдуллоҳ Ёқут. Мўъжамул-булдон. Байрут: Дору содир, – Ж. 3. – Б. 377.

⁹ Ўша асар, – Ж. 3. – Б. 377.

¹⁰ Ал-Байҳақий Заҳируддин Абул Ҳасан Али ибн Абулқосим. Тарихи ҳукамо ал-Ислом. – Дамашқ: Матбаъа ат-тараққий, 1365 ҳ. – Б. 142.

фикрларни ҳам кўриб чиқамиз.

Муаллифга замондош бўлган олим Самъоний айтади: “Шахристоний имом, фозил, мутакаллим, усул олими, адаб ва нодир (унут бўлган, истемолдан чиққан, эскирган) илмларнинг билимдони бўлган”¹¹.

Субкий айтади: “Шахристоний кўзга кўринган имом, калом ва мунозара илмида пешқадам ва фикҳ, усул илмларида моҳир эди”¹².

Заҳабий “Сияр” китобида айтади: “У “Афзал”, калом ва ҳикмат аҳлининг шайхи, кўп китоблар соҳиби эди. Фикҳда моҳир, зеҳни ва фаҳми кучли ҳамда сўзамол киши эди”¹³.

Ёқут Ҳамавий айтади: “Файласуф, мутакаллим бир неча китоблар муаллифидир”¹⁴.

Ибн Халликон айтади: “Шахристоний Ашъарий мазҳабининг етук олими, имом, донишманд, мутакаллим ва фикҳ илмида моҳир, калом илмида ягона, зеҳни ўткир, ширин сўзли ва воиз киши эди”¹⁵.

Абул Фадло айтади: “Шахристоний Ашъарий мазҳабининг етук олими, калом ва фикҳ илмининг имомидир. Унинг кўп китоблари мавжуд”¹⁶.

Ибнул Вардий: “У Ашъарий мазҳабининг етук олими ва фақиҳ зот бўлган”¹⁷, дейди.

Ибн Туғри Берди айтади: “Калом илми олимларининг энг афзали ва ўз асрининг, турли хил фанларнинг билимдони бўлган. У кишига кўп олимлар шогирд бўлган”¹⁸.

Муаллиф ҳақидаги бундай илиқ сўзларни фақатгина мутақаддим олимлар эмас, мутааххир олимлар ҳам айтганлар. Жумладан:

“Доиратул маъориф ал-исламия” китобида шундай келтирилган: “У ўрта асрларда Шарқдаги турли динлар ва эътиқодларни ўрганган тарихчилар ичида кўзга кўринган киши эди”¹⁹.

“Аълом” китоби соҳиби айтади: “У ислом фалсафачиларидан бўлиб, калом, турли динлар ва фалсафачилар мазҳаби илмларида имом эди. Унга

¹¹ Ас-Самъоний Абу Саъид Абдулкарим ибн Муҳаммад. Ат-таҳбир фи муъжамил-кабир // Мунира Ножий Солим таҳқиқи. – Боғдод: Матбаъатул-иршод, 1395. – Ж. 2. – Б. 160.

¹² Ас-Субкий Тожиддин ибн Тақийуддин. Табақотуш шофеъия ал-кубро. – Байрут: Дорул-маъриф, – Ж. 4. – Б. 78.

¹³ Ҳофиз аз-Заҳабий. Сияру аълом ан-нубало. – Байрут: Муассаса ар-рисала, – Ж. 20. – Б. 286–287.

¹⁴ Ал-Ҳамавий Абу Абдуллоҳ Ёқут. Мўъжамул-булдон. – Байрут: Дору Содир, – Ж. 3. – Б. 377.

¹⁵ Ибн Халликон Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр. Вафаътул аъён. – Байрут: Дору содир, – Ж. 4. – Б. 274.

¹⁶ Абул Фадло Имоуддин Исмоил. Ал-мухтасар фи ахборил башар. – Миср: Ҳусайния, – Ж. 3. – Б. 27.

¹⁷ Ибнул Вардий Зайнуддин Умар. Тариху Ибнул Вардий. – Наҷф: Ҳайдария, 1389 ҳ. – Ж. 2. – Б. 86.

¹⁸ Ибн Туғри Берди Жамолиддин Абулмаҳосил Юсуф. Ан-нужум аз-зоҳира. – Миср: Дорул-кутуб ал-Мисрия. – Ж. 3. – Б. 305.

¹⁹ Шарқсунос олимлар жамоаси. Доиратул маориф ал-исломия. – Ж. 13. – Б. 424.

нисбатан “Афзал” лақаби ишлатилган”²⁰.

“Ал-мавсуъа ал-арабия ал-муяссира” китобида шундай келтирилади: “У форс олими бўлиб, фикҳ, калом илми ва турли динлар борасида таҳқиқчи олим. Сўзи ва мавъизаси чиройли киши эди”²¹.

Зухдий Жоруллоҳ айтади: “У тарихчи олимлар ичида энг холиси, мулойими, қалби очиғи ва узоқни кўра биладигани эди”²².

Булардан ташқари, шарқшунос олимлар ҳам муаллифнинг китобларини ўрганган ва ўз тилларига таржима қилганлар. Куйидаги шарқшунос олимлар у киши ҳақида ўз фикрларини билдирганлар:

Муаллифнинг “Ниҳаятул-икдам” асарини таҳқиқ қилган олим Алфред Жим айтади: “Шаҳристоний Ибн Рушддан олдинги, энг сўнги катта файласуфдир. Уни соғлом тафаккур эгаси деб тан олиш мумкин”²³.

Карадифу айтади: “Файласуфлик Шаҳристонийнинг ақлий қобилияти тубида бор эди”²⁴.

Муаллифнинг илмий сафарлари жуда кўп бўлгани билан устозлари ҳақидаги маълумотлар оз бўлиб, уларнинг адади бармоқ билан санокли даражада. Улар жумласига куйидаги олимлар киради:

1. Абулҳасан Мадиний. Унинг тўлиқ исми Али ибн Аҳмад ибн Аҳрам Нисобурий. У тақводор киши бўлган. Абу Закариё Мазкий, Абу Абдурахмон Суламий ва Абу Бакр Жабарийларнинг мажлисларини ёзиб борар эди. Имом Шаҳристоний у кишидан Нисобурда ҳадис тинглаган. У 494/1101 йилда Муҳаррам ойида вафот этган²⁵.

2. Абулмузаффар Хавофий. Унинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Музаффар Хавофий. Хавоф Нишопурдаги бир қишлоқнинг номи. Имом Субкий уни етук имом, деб мадҳ этган. У икки Ҳарам имомидан фикҳ илмини ўрганган. Имомул Ҳарамайн уни чиройли фасоҳат билан гапириши, яхши мунозара олиб боришини мақтаган.

Абулҳасан Форсий ал-Хавофий тўғрисида: “У ўз замонасининг фикҳ илмида кўзга кўринган билимдони эди”²⁶, деб ёзади.

У 510/1116 йил Тус шаҳрида вафот этган.

3. Абу Наср Қушайрий. Унинг тўлиқ исми Абдурраҳим ибн Абулқосим ибн

²⁰ Хайруддин Аз-Зиркий. Ал-аълам. – Байрут: Дорул илм лил-малайн, 1984. – Ж. 6. – Б. 215.

²¹ Мухаммад Шафиқ Ғурбол. Ал-мавсуъа ал-арабия ал-муяссира. Дору ихё ат-турос ал-арабий, 1965. – Ж. 2. – Б. 1098.

²² Аз-Зухдий Ҳасан Жоруллоҳ. Ал-мўътазила. – Миср: Матбаъа Миср, 1366 ҳ. – Б. 186.

²³ Аш-Шаҳристоний Мухаммад ибн Абдулкарим ибн Аҳмад Абу-л-Фатх. Ал-Милал ва-н-нихал. – Байрут: Мактабат ал-асрийя, 2000. –Б. 138–139.

²⁴ Ўша манба, –Б. 138.

²⁵ Ал-Ҳамавий Абу Абдуллоҳ Ёқут. Мўъжамул-булдон. – Байрут: Дору Содир, – Ж. 3. – Б. 377.

²⁶ Ас-Субкий Тожуддин ибн Тақийуддин. Табақотуш-шофеъия ал-кубро. – Байрут: Дорул маориф, – Ж. 4. – Б. 55.

Абдулкарим ибн Ҳавозин Қушайрий Нисобурий. У шофеъий мазҳабидаги етук фақиҳ, наҳв олими ва мутакаллим бўлган.

Имом Субкий у ҳақда: “Етук имом, сўфийларнинг шайхи, заковат эгаси бўлган зот эди”²⁷, деб ёзган.

У киши 514/1120 йил Жумодус соний ойининг 28 куни вафот этган.

4. Абулқосим Ансорий. Унинг тўлиқ исми Сулаймон ибн Носир ибн Имрон ибн Муҳаммад ибн Исмоил Ансорий Нисобурий. У киши сўфий бўлган. У ҳақида Субкий шундай дейди: “Мутакаллимлар имоми, ўтқир фикрли, усул олимлари ўртасида ва тафсир илмида кўзга кўринган фақиҳ, сўфий ва зоҳид имом бўлган. Имомул Ҳаромайн, Абулқосим Қушайрийлардан илм олган. Тасаввуф ва тариқатда пешқадам бўлган. 511/1117 йилда вафот этган. Баъзи маълумотларда 512/1118 йилда вафот этган дейилган”²⁸.

Имом Шаҳристониининг илм олишида бу олимнинг катта ҳиссаси бор. Шаҳристоний у кишидан кўпгина илмларни ўрганган. Муаллиф Абулқосим Ансорийни ўзининг хос устози ва йўлбошчиси эканини айтган ва китобларида у кишини мактаб ёзган. Бу каби сўзлари бошқа устозлари ҳақида учрамайди.

Имом Шаҳристоний калом ва усул илмини Абулқосим Ансорийдан ўрганганлиги учун ақида ва фалсафада унинг изидан юрган.

Бу ўринда хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, муаллифнинг аксар устозлари Шофеъий мазҳабида ва Ашъарий таълимотида бўлган.

Муаллиф кўплаб олимлар билан ҳам аср бўлган. Улар билан турли илмий мажлислар, ҳалқаларда қатнашган ва ўрталарида баҳс-мунозаралар бўлиб, бир-бирлари билан тажрибалар алмашган. Бу ҳам илм ўрганиш ва тарқатишнинг бир йўли ҳисобланади.

Муаллиф билан замондош бўлган машҳур олимлар жумласига қуйидагилар киради:

1. Заҳириддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Хоразмий²⁹. Бу олим муаллиф билан бир замонда яшаган ва унинг турли илмий мажлисларида қатнашган бўлиб, улар ўртасида мунозаралар, фикр алмашишлар бўлиб ўтган. Бу ҳақда Муҳаммад Хоразмийнинг ўзи шундай дейди: “Бизнинг ўртамизда суҳбатлар ва музокаралар бўлган”³⁰. Яна: “Мен у кишининг бир нечта ваъз мажлисларида қатнашганман”³¹.

²⁷ Ўша манба, – Ж. 4. – Б. 55.

²⁸ Ҳофиз аз-Заҳабий. Сияру аълом ан-нубало. – Байрут: Муассаса ар-рисала, – Ж. 19. – Б. 412.

²⁹ У Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аббос Руслан Заҳириддин Абу Муҳаммад Хоразмий Аббосий. Ҳижрий 492 йил Рамазон ойининг 15–куни Хоразмда туғилган. Ҳижрий 568 йил Рамазон ойида вафот этган.

³⁰ Ал-Ҳамавий Абу Абдуллоҳ Ёқут. Мўъжамул-булдон. – Байрут: Дору Содир, – Ж. 3. – Б. 377.

³¹ Ўша манба, – Ж. 3. – Б. 377.

2. Абулҳасан Али ибн Абулқосим Зайд ал-Байҳақий³². Ушбу олим муаллиф билан илмий мажлислар ва муноқашаларда бирга бўлган. Олимнинг таржимаи ҳолига қараганда, у Шаҳристонийга устоз ўрнида бўлган. Чунки Шаҳристоний баъзи китобларини унга ўқиб берган ва Байҳақий Шаҳристоний биля ўзининг китобларида ёзган баъзи масалаларда муноқашалар қилган.

3. Асъад ал-Миханий³³. Олим Шаҳристоний билан Хоразмда учрашган ва суҳбат қурган. Улар ўртасида дўстлик пайдо бўлган. Бу учрашувлар Миханий Боғдоддаги Низомия мадрасасига мударрисликка боришидан олдин бўлган. Кейин 507/1113 йил у Боғдодга боради. Шаҳристоний ҳам Боғдодга борганидан кейин уларнинг муносабатлари янада мустаҳкам бўлади. Муҳаммад Хоразмий айтади: “Шаҳристоний 510/1116 йили ҳаж сафарига чиқиб кетади. Кейин Боғдодда уч йил яшайди. Унинг Низомияда ваъз ўтказадиган мажлислари бор эди. У оммага мақбул бўлди. Бу кунларда Асъад Миханий ҳам Низомия мадрасасида мударрис эди. Улар ўртасида олдин ҳам Хоразмда суҳбат бўлиб ўтган эди. Асъад унга шунинг учун яқин эди”³⁴.

Шунингдек, Шаҳристоний бошқа олимлар билан ҳам учрашган. Жумладан: Абу Саъд Абдулкарим Самъоний, Абулҳасан ибн Ҳамавий³⁵, Абумансур Ибодий³⁶, Муваффиқуддин Аҳмад Лайсий³⁷, Шаҳобиддин Воиз Шанурконий ва бошқалар.

Имом Шаҳристоний серқирра олим бўлиб, тафсир, фикҳ, калом илми, фалсафа, фирқалар ва динлар тарихи каби турли фанларда кўплаб китоблар ёзган. У кишининг китоблари йигирмадан ортиқ бўлиб, улар қуйидагилар:

1. “Ал-Милал ва-н-ниҳал” (الملل والنحل).

Бу асар турли динлар замирида пайдо бўлган фирқалар тарихига бағишлаб ёзилган. Муаллиф ушбу асарни ёзгандан кейин жуда машҳур бўлиб кетган. Ҳатто бу саҳода таълиф қилинган китоблар эсланганда, у биринчи ўринда зикр қилинадиган даражага етган.

2. “Ниҳоятул-иқдом фи илмил калом” (نهاية الإقدام في علم الكلام).

Бу китоб ҳам Шаҳристонийнинг машҳур китобларидан биридир. Китоб 1931 йил Лондонда Алфред Жим таҳқиқи остида инглиз тилида чоп этилган.

³² У Али ибн Зайн ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Сулаймон Ҳузаймий ал-Байҳақий. Ҳижрий 499 йил Шаъбон ойининг 27-кунини туғилган. 565 йил вафот этган.

³³ У Асъад ибн Муҳаммад ибн Абунаср Абулфатҳ Миханий. Ҳижрий 527 йил вафот этган. Бир ривоятда 523 йил Ҳамадонда вафот этган дейилган.

³⁴ Ал-Ҳамавий Абу Абдуллоҳ Ёқут. Мўъжамул-булдон. – Байрут: Дору Содир, – Ж. 3. – Б. 377.

³⁵ Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Ҳимавайх ибн Муҳаммад ибн Ҳимавайх ал-Жувайнӣ. Ҳижрий 449 йил Мухаррам ойида туғилган. Ҳижрий 530 йил вафот этган.

³⁶ Абу Мансур ал-Музаффар ибн Ардашер ал-Ибодий.

³⁷ Ал-Муваффиқ ибн Аҳмад ал-Маккий ал-Лайсий ал-Хоразмий. Асли Маккадан бўлган. Ҳижрий 484 йил туғилган. 568 йил вафот этган.

Алфред китобнинг муқаддимасида Шаҳристонийнинг ҳаётини ҳам ёритган ва китобнинг бошқа нусхалари ҳам мавжудлигини ёзиб ўтган. Китобнинг ўндан ортиқ қўлёзма нусхалари мавжуд³⁸.

3. “*Мусораатул-фалосифа*” (مصارعة الفلاسفة).

Муҳаммад Шерозий айтади: “Бу китобни 540/1145 йиллар атрофида Мажиддин Абулқосим Али ибн Жаъфар Мусавий учун ёзган”³⁹. Ушбу асар Доктор Суҳайр Муҳаммад Мухтор таҳқиқи остида нашр қилинган.

4. “*Мажлисун фил-халқи вал-амри*” (مجلس في الخلق و الامر).

Китоб форс тилида ёзилган. У муаллифнинг Хоразмда ўтказган илм мажлисларидан биридаги маълумотларни ўз ичига олади. У бир неча марта форс тилида нашр этилган бўлиб, унда “инсоннинг яратилиши” ва “фаришталарнинг саждага амр этилиши” ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Доктор Забиҳуллоҳ айтади: “Шаҳристоний турли ақидалар, динлар, фалсафачилар, ҳакимлар ва муфассирларнинг сўзларидан хабардор бўлгач, бу илмий мажлисларида инсонларнинг зехнларига ва тингловчиларнинг қулоғига чиройли таъсир қилиш мақсадида қисқа иборалар ва қофияли сўзларни келтира бошлади”⁴⁰.

5. “*Баҳсун фил-жавҳарил фард*” (بحث في الجوهر الفرد).

Бу китобни Алфред Жим чоп этиб “Ниҳаятул-икдам” китобига қўшган. Тадқиқотчилар бу баҳсни алоҳида китоб ёки китобнинг бир қисми эканлигида турлича фикрлар айтишган. Лекин у Шаҳристоний қаламига мансуб эканлигида бир фикрда бўлишган.

Олимлардан Доктор Муҳаммад Бадрон⁴¹ ва Муҳаммад Такий Донишлар уни алоҳида бир китоб, деган қарашда бўлишган.

Ушбу асарни “Ниҳаяту авҳамил-ҳукамо ал-илаҳиййин” китоби масалаларидан бири, деган олимлар ҳам бор. Масалан, Доктор Суҳайр Мухтор айтади: “Шунга кўра айтамикки: “Алфред Жим “Ниятул-икдам” асарига қўшган “Жавҳарул-фард” масаласи “Ниҳаяту авҳамил-ҳукамо ал-илаҳиййин” китоби ўз ичига олган йигирмата масаланинг биридир”⁴².

6. “*Мафотиҳул асрор ва масобиҳул аброр*” (مفاتيح الاسرار و مصابيح الابرار).

³⁸ Суҳайр Муҳаммад Мухтор. Шаҳристоний ва унинг калом илми ҳақидаги фикрлари. Айну шамс университети, 1395 ҳ. – Б. 9 – 92.

³⁹ Суҳайр Муҳаммад Мухтор. Шаҳристоний ва унинг калом илми ҳақидаги фикрлари. Айну шамс университети, 1395 ҳ. – Б. 119.

⁴⁰ Ўша манба, – Б. 9 – 82.

⁴¹ Аш-Шаҳристоний Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Аҳмад Абу-л-Фатх. Ал-Милал ва-н-нихал. – Байрут: Мактабат ал-асрийя, 2000. муқаддима. – Б. 151

⁴² Суҳайр Муҳаммад Мухтор. Шаҳристоний ва унинг калом илми ҳақидаги фикрлари. Айну шамс университети, 1395 ҳ. – Б. 9 – 99.

Бу асарни муаллиф таржимаи ҳоли билан шуғулланган олимлар⁴³ унинг китобларидан бири, деган фикрга келган. Китоб тафсир илмига бағишланган бўлиб, Шахристони уни 538/1143 йили ёзишни бошлаган.

7. “Қиссату саййидина Юсуф алайҳиссалом” (قصة سيدنا يوسف عليه السلام).

Ушбу китоб “Юсуф” сурасининг шарҳи” номи билан ҳам машҳурдир.

8. “Қиссату Муса ва Ҳизр” (قصة موسى و حضر).

Байҳақий айтади: “Шахристониининг кўп китоблари бўлиб, Мусо ва Ҳизр қиссаси ҳам шулар жумласидандир”⁴⁴. Яна Шахрўзий ва бошқа тадқиқотчилар ҳам бу китоб Шахристониининг тегишли эканлигини айтган.

9. “Ал-иршод ила ақоидил ибод” (الارشاد إلى عقائد العباد).

Бу китобга муаллифнинг ўзи “Ниҳаятул-икдам” китобида ишора қилиб ўтган⁴⁵. Баъзи тадқиқотчилар ҳам китобни Шахристониининг нисбат берганлар⁴⁶.

10. “Ал-уюн вал-анҳор” (العيون والأنهار).

Муаллиф бу китоб ҳақида “Мафотихул асрор ва масобихул аброр” асарида ҳам тўхталиб ўтганлигини кузатиш мумкин.

11. “Рисала фил-мабдаи вал-маод” (رسالة في المبدأ و المعاد).

Муаллиф бу китоб ҳақида “Ниҳаятул-икдам” номли асарида ҳам айрим масалаларни шу номли китобда зикр қилганлигини айтиб ўтган.

12. “Ал-манаҳиж фи илмил-калом” (المنهج في علم الكلام).

Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги бу китоб Шахристониининг қаламига мансуб эканлигига иттифоқ қилганлар. Лекин китобнинг исми ҳақида турли фикрларни айтганлар. Жумладан, қуйидаги исмлар келтирилган: “Ал-манаҳиж вал-аят”, “Ал-манаҳиж вал-баян”, “Ал-манаҳиж”, “Ал-манаҳиж фил-аят” ва “Ал-баййинат”.

13. “Ғоятул маром” (غاية المرام).

Муаллиф ҳақида таржимаи ҳол ёзган бир неча олимлар бу китобни зикр қилиб ўтганлар.

Биз қуйида муаллифнинг қолган асарларини фақат номларини зикр қилиш билан чекландик.

14. “Талхисул ақсом ли мазаҳибил анам” (تلخيص الأقسام لمذاهب الأنام).

15. “Ниҳаяту авҳамил-ҳукамо ал-илаҳийин” (نهاية أو هام الحكماء الإلهيين).

16. “Дақоиқул-авҳом” (دقائق الأوهام).

⁴³ Карл Бруклимен. Тарихул адаб ал-арабий. //Доктор Рамазон Абдуттаввоб таржимаси. 3–нашр. Дорул-маориф, – Б. 763.

⁴⁴ Заҳируддин Абул Ҳасан Али ибн Абулқосим ал-Байҳақий. Тарихи ҳукамо ал-Ислом. – Дамашқ: Матбаъа ат-тараққий, 1365 ҳ. – Б. 142.

⁴⁵ Шахристони Мухаммад ибн Абдулкарим ибн Аҳмад Абул-Фатх. Ниҳаятул иқдам. //Алфред Жим таҳқиқи. Мактаба ал-масна, – Б. 55.

⁴⁶ Ал-Ҳамавий Абу Абдуллоҳ Ёқут. Мўъжамул-булдон. – Байрут: Дору Содиқ, – Ж. 3. – Б. 377.

17. Муаллифнинг Ибн Синонинг гапларига эътирозлари.
18. Муаллифнинг Тождиддин Муҳаммад Саҳлонийга юборган рисоласи.
19. Муаллифнинг Шарафуззамон Муҳаммад Ийлоқийга юборган рисоласи
20. “Тарихул ҳукамо” (تاريخ الحكماء) .
21. “Ал-ақтор” (الأقطار)
22. “Асрорул-ибод” (أسرار العباد)
23. “Аш-шажаротул-илаҳия” (الشجرة الإلهية)
24. “Мажлисун фи усул-ҳикма” (مجلس في أصول الحكمة)

Муаллифнинг қайси мазҳабга алоқадорлиги ҳақида аниқ маълумот берадиган фикҳга оид китоблари ва фикрлари аниқланмаган. Шунга қарамай, куйидаги ҳолатлардан Шаҳристонийни қайси мазҳабда эканлигини билиб олишимиз мумкин:

1. Субкий “Табақотуш-шофеъия”⁴⁷ китобида ва Иснавий “Табақот”⁴⁸ китобида Шаҳристонийни Шофеъий мазҳаби арбобларидан санаганлар. Бу олимларнинг сўзларига муҳолиф ҳеч қандай сўз қузелмаган.

2. Муаллиф илм олган устоз ва шайхларига назар солсак, уларнинг нафақат бу мазҳабга эргашгани, балки бу мазҳабнинг катта арбоблари эканликларини қузелтамыз. Доктор Бадрон айтади: “У Шофеъий мазҳабини қаттиқ ушлаган шайхлардан илм олган”⁴⁹.

Демак, юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, муаллиф фикҳда Шофеъий мазҳабида бўлган.

Шаҳристоний эътиқодда Ашъарий мазҳабига эргашганлардан бўлиб, унга куйидагилар далолат қилади:

– муаллифнинг илмий ҳаётида катта таъсир кўрсатган устоз ва шайхлари ушбу мазҳабнинг имомлари бўлган. Доктор Бадрон айтади: “Улар Ашъарий мазҳабини керак бўлса, куч билан ҳимоя қиладиган кишилар бўлган”⁵⁰. Хусусан, юқорида таржимаи ҳоли баён этилган олимлардан бири Абу Наср Қушайрий ҳам.

– муаллифнинг “Ал-Милал ва-н-нихал” китоби унинг Ашъарий мазҳабини қувватлагани ва унга хайрихоҳ бўлганига далолат қилади. Китобда бошқа мазҳаб ва эътиқодлар ҳақида келган фикрларга бундай эътибор қаратмаган. Бу мазҳабни аҳли сунна вал жамоа мазҳаби ва салафларнинг мазҳабига моил яқин эканлигини

⁴⁷ Ас-Субкий Тождиддин ибн Тақийуддин. Табақотуш шофеъия ал-кубро. – Байрут: Дорул-маърифат, – Ж. 4. – Б. 78.

⁴⁸ Ал-Иснавий Жамолиддин Абдулраҳим. Табақотуш шофеъия. Дорул-улум, 1401 ҳ. //Абдуллоҳ ал-Жабуррий таҳқиқи. – Ж. 2. – Б. 106.

⁴⁹ Аш-Шаҳристоний Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Аҳмад Абу-л-Фатх. Ал-Милал ва-н-нихал. – Байрут: Мактабат ал-асрийя, 2000. – Б. 132.

⁵⁰ Суҳайр Муҳаммад Мухтор. Шаҳристоний ва унинг калом илми ҳақидаги фикрлари. Айнун шамс университети, 1395 ҳ. – Б. 132.

ифодалашга ҳаракат қилган.

– манбаларда унинг Ашъарий мазҳабига мансуб эканлигини инкор қиладиган бирор сўз учрамайди. Муаллиф ҳаётини ёритган олимлар бунга иттифоқ қилишган. Балки баъзи олимлар Шаҳристоний ақидада Ашъарий мазҳабида эканлигини очиқ айтганлар. Ҳамавий, Ибн Халликон, Абулфодо ва Ибн Вардийлар шулар жумласидандир.

– муаллиф китобларининг кўп жойларида: “Шайхимиз Абулҳасан”, деб очиқ айтган. Яна шуни ҳам мулоҳаза қилиб олишимиз мумкинки, муаллиф “Ниятул-икдам” китобида Ашъарий мазҳабининг фикрларини келтираётганда кўпинча: “Биз айтамызки, биз айтдик, бизнинг сўзимиз ва ҳақ сўз”, деб бошлайди. Бошқа мазҳабларнинг фикрларини келтираётганда эса: “Улар айтдилар, айтадилар, уларнинг сўзлари ва улар ҳақ деб билган сўз”, деб келтиради.

Шаҳристонийнинг эътиқодий фикрлари Ашъарий мазҳабига тўла мувофиқ келади. Жумладан:

- Аллоҳ таолонинг мавжудлигини исбот қилиш ва танишликни ақл йўли билан бўлишлиги;
- Аллоҳ таолонинг Қуръони карим ва суннатда келган исмларини исбот қилиш ва Аллоҳ таолонинг Қуръони каримда келган етти сифатидан бошқа сифатларини инкор қилиш. Ашъарий мазҳабида ҳам худди шундай;
- чиройли ёки хунук деб ҳукм чиқариш шаръий жиҳатдан бўлади, ақлий жиҳатдан эмас;
- Аллоҳ таолонинг феълларидан ҳикмат ва сабаб излашни тарк қилиш;
- Ашъарийларнинг наздида касб назариясига мувофиқ бандаларнинг ишлари исбот қилиш;
- Имоннинг таърифи: имон у қалбда тасдиқ қилишдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Шаҳристоний етук ва серқирра олим, чиройли хулқ ва сифатлар эгаси бўлган. У ўзидан турли илмларда кўплаб асарлар ёзиб қолдирган. Муаллифнинг асарлари самарали бўлганлиги учун ўша даврдаги олимлар ҳам ҳозирги кунимиздаги тадқиқотчилар ҳам улардан кенг қамровда фойдаланиб келмоқда. Шаҳристоний фикрда Шофеъий маҳабида ва эътиқодда Ашъарий таълимотида бўлган. Бунга унинг устозлари шу мазҳабда бўлганлари ва китобларида келтирган маълумотлари ҳам далолат қилади.

ХУЛОСА

Шаҳристоний - Ислом тафаккури тарихида муҳим ўрин тутадиган мутафаккир ва уламолардан бири бўлиб, у фикрда Шофеъий, эътиқодда эса Ашъарий мазҳабига мансуб бўлган. Бу ҳолат унинг асарлари, устозлари ва манбалардаги таърифлар орқали тасдиқланади. Муаллиф фалсафа, калом, тафсир, тарих каби соҳаларда кўплаб асарлар ёзиб қолдирган бўлиб, улар

бугунги кун тадқиқотчилари томонидан ҳам ўрганиб келинмоқда. Унинг “Ал-Милал ва-н-нихал”, “Ниҳоятул иқдом”, “Мафотихул асрор” ва бошқа кўплаб асарлари Ислом илм-фани ривожига катта ҳисса қўшган. Шаҳристонийнинг илмий мероси унинг етук зеҳни ва илмий масъулиятининг ёрқин намунасидир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абул Фадо Имодуддин Исмоил. Ал-мухтасар фи ахборил башар. – Миср: Хусайния.
2. Аз-Заҳабий Абу Абдуллоҳ Шамсиддин. Тазкиратул ҳуффо. Мажлису доиратул-маориф ал-усмония, 1388.
3. Аз-Зухдий Ҳасан Жоруллоҳ. Ал-мўътазила. – Миср: Матбаъа Миср, 1366.
4. Ал-Байҳақий Заҳируддин Абул Ҳасан Али ибн Абулқосим. Тарихи ҳукамо ал-Ислом. – Дамашқ: Матбаъа ат-таракқий, 1365.
5. Ал-Иснавий Жамолиддин Абдурраҳим. Табақотуш шофеъия. Дорул-улум, 1401 х. //Абдуллоҳ ал-Жабурий таҳқиқи.
6. Ал-Ҳамавий Абу Абдуллоҳ Ёкут. Мўъжамул-булдон. – Байрут: Дору содир.
7. Ас-Самъоний Абу Саъид Абдулкарим ибн Муҳаммад. Ат-таҳбир фи муъжамил-кабир // Мунира Ножий Солим таҳқиқи. – Боғдод: Матбаъатул-иршод, 1395.
8. Ас-Самъоний Абу Саъид Абдулкарим ибн Муҳаммад. Ат-таҳбир фи муъжамил-кабир //Мунира Ножий Солим таҳқиқи. – Боғдод: Матбаъатул-иршод, 1395.
9. Ас-Субкий Тожуддин ибн Тақийуддин. Табақотуш-шофеъия ал-кубро. – Байрут. Дорул маориф.
10. Ас-Сухайбоний Муҳаммад ибн Носир ибн Солиҳ. Манҳажуш-Шаҳристоний фи китобиҳи ал-Ал-милал ван-нихал. – Риёз: Дорул ватан, йили кўрсатилмаган.
11. Заҳируддин Абул Ҳасан Али ибн Абулқосим ал-Байҳақий. Тарихи ҳукамо ал-Ислом. – Дамашқ: Матбаъа ат-таракқий, 1365.
12. Ибн Туғри Берди Жамолиддин Абулмаҳосил Юсуф. Ан-нужум аз-зоҳира. – Миср: Дорул-кутуб ал-Мисрия.
13. Ибн Халликон, Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр. Вафаётул аъён. – Байрут: Дору содир.
14. Ибнул Вардий Зайнууддин Умар. Тариху Ибнул Вардий. – Нажф: Ҳайдария, 1389.
15. Карл Бруклимен. Тарихул адаб ал-арабий. //Доктор Рамазон Абдуттаввоб таржимаси. 3–нашр. Дорул-маориф.
16. Муҳаммад Шафиқ Ғурбол. Ал-мавсуъа ал-арабия ал-муяссира. Дору ихё ат-турос ал-арабий, 1965.
17. Сухайр Муҳаммад Мухтор. Шаҳристоний ва унинг калом илми ҳақидаги фикрлари. Айну шамс университети, 1395.
18. Хайруддин Аз-Зирклиий. Ал-аълам. – Байрут: Дорул илм лил-малайин, 1984.
19. Ҳофиз аз-Заҳабий. Сияру аълом ан-нубало. – Байрут: Муассаса ар-рисала.
20. Шарқсунос олимлар жамоаси. Доиратул маориф ал-исломия.
21. Шаҳристоний, Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Аҳмад Абу-л-Фатх. Ал-Милал ва-н-нихал. – Байрут: Мактабат ал-асрийя, 2000.